

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**398 Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун
меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2266*

(2011 йил 2 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ **бу юраман:**

1. Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 25 август,
54-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2011 йилдаги
25 августдаги 54-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

Сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) қарорларига мувофиқ сил касаллигига қарши муассасалар ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар сил касаллигига қарши муассаса ва ташкилотларга (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) тааллуқлидир.
2. Мазкур Қоидалар бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.
3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.
4. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги

намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилади.

6. Ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига олган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттестация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карталари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ходимлар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-номалари.

7. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган ташкилотларда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган ташкилотларда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

8. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра ташкилотнинг асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбарига бўйсунди ҳамда ташкилотнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор қилинади.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятларига киритилмаган бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

10. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларни ўқитиш, уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ва уларга йўл-йўриқ беришни ташкил этиш

11. Ташкилот ходимлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, уларнинг билимлари синовдан ўтказилиши ва уларга йўл-йўриқ берилиши керак.

12. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитишни ва билимларни синовда ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

13. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ҳамда ташкилот ходимларини иш жойларини ушбу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

14. Ташкилотлар ГОСТ 17.2.3.02-78 бўйича хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ходимларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

15. Иш жойларидаги муҳит ҳамда меҳнат жараёнининг хавфли ва зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроклим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғир шароитлари аттестация қилиш орқали белгиланиши лозим.

16. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёки янги ишлаб чиқариш ускуналарини жорий қилишда хавфли ва зарарли омиллар тўғрисидаги маълумотларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

4-§. Ўта хавфли касблар ва ишлар рўйхати

17. Ташкилот ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

18. Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажариш топшириғини олиш-

дан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиши ва ишларни бажариш усулларини ўзлаштириб олиши шарт.

19. Ўта хавфли ишларни бажариш, фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган наряд-рухсатномага мувофиқ амалга оширилиши лозим.

20. Ташкилот раҳбарияти ўта хавфли ишларни режалаштиришда, ташкиллаштиришда ва хавфсиз бажаришда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилишига тўла жавобгардир.

5-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

21. Ходимларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш белгиланган стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

22. Жамоавий ҳимоя қилиш воситаларига қўйидагилар киради:

иш жойларининг ҳаво муҳитини меъёрлаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёрда сақлаш ва бошқалар);

иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқиндан, тебранишдан, электр ва статик тоқлар уришидан ҳамда ускуналар юзасини юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

23. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари хонадаги барча ходимларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва ташкилотни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

24. Жамоавий ҳимоя воситалари хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларини рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз ходимларнинг ишга жалб қилиниши тақиқланади.

25. Якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан фойдаланадиган ходимлар уларни қўллаши, ҳимоя хусусиятлари ва амал қилиш муддати тўғрисида маълумотларга эга бўлиши лозим.

26. Ташкилотда қўйидагилар таъминланиши шарт:

якка тартибдаги ҳимоя воситаларининг зарур миқдори ва номенклатураси;

ҳимоя воситаларини қўллаш ва тўғри фойдаланиш устидан доимий назорат амалга оширилиши;

ҳимоя воситаларининг самарадорлиги ва созлиги текширилиши;

якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан хавфли ва захарли моддалар му-

хотида фойдаланилганда уларни дегазация ва дезинфекция қилиниши (бир марта қўлланиладиган химоя воситалари бундан мустасно).

27. Ходимлар Соғлиқни сақлаш ва тиббиёт ишлаб чиқаришлари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига (рўйхат рақами 1998, 2009 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 35-сон, 391-модда) мувофиқ шахсий химоя воситалари билан таъминланиши лозим.

6-§. Касбий танлов

28. Ташкилотларда танлов ўтказилиши лозим бўлган касблар ва мутахассисликлар рўйхати бўлиши лозим.

29. Ходимлар, ишлаб чиқариш участкаларининг раҳбарлари тегишли маълумотга ва иш тажрибасига эга бўлиши керак.

30. Босим остида ишловчи ускуналарда ва хавфи юқори бўлган ишларда хизмат кўрсатувчи ходимлар махсус курсларда тайёргарликдан ўтган ва тегишли гувоҳномага эга бўлиши шарт.

31. Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхатига (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 355-модда) мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароити мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

32. Аёллар меҳнатидан фойдаланиш тўлиқ ёки қисман тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар рўйхатига (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 1-сон) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга бўлган ишларга қабул қилинмайди.

7-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

33. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

34. Ташкилот раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаши лозим.

35. Тиббий кўриқлар ташкилотнинг тиббий муассасаларида, улар мав-

жуд бўлмаган ҳолларда даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилиши лозим.

36. Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий кўрик натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда ушбу ходим ишга қўйилиши мумкин эмас.

37. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик ташкилот раҳбарияти зиммасига юкланади.

38. Ходимларни соғлиғи туфайли уларга рухсат этилмаган ишларда ишлатиш тақиқланади.

8-§. Санитария ва гигиена талаблари

39. Ташкилот хоналари иш ҳудудидаги ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар ГОСТ 12.1.005-88 «Иш ҳудудининг ҳавоси. Умумий санитария-гигиеник талаблари»га мувофиқ бўлиши керак.

40. Ноқулай омиллар таъсирига қарши ҳимоя тадбирларини тузишда самарали ҳаво алмашинуви тизимини ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш» талабига мувофиқ ташкил қилиш лозим.

41. Ишлаб чиқариш биноларида микроқлим СанҚваМ 0203-06 «Ишлаб чиқариш бинолари микроқлими санитария меъёрлари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

9-§. Шамоллатиш ва иситиш тизимига қўйиладиган талаблар

42. Шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш» талабига мувофиқ бўлиши лозим.

43. Оқимли шамоллатишларни ташқи ҳаво тизимидан олиш ердан камида 2 м баландликда бажарилиши лозим.

44. Ўтиш жойларида жойлашган иситиш жиҳозлари рухсат этилган ўтиш йўлакларининг энини камайтирмаслиги лозим.

45. Иш жойларида ҳаво ҳарорати енгил жисмоний ишда 21⁰ С, ўртача оғир ишда 17⁰ С ва оғир ишда 16⁰ С дан паст бўлмаслиги керак.

46. Ходимларининг исиниши учун хоналарда ҳарорат 22⁰ С дан кам бўлмаслиги керак.

47. Маиший хоналар ҚМҚ 2.09.12-98 «Корхонанинг маиший ва маъмурий бинолари» талабларига мувофиқ оқиб келувчи ва сўрувчи вентиляция билан жиҳозланиши лозим.

48. Ташкилот раҳбарининг буйруғи билан ҳаво алмаштириш тизими қурилмаларини хавфсиз ишлатиш бўйича жавобгар шахс тайинланиши лозим. Вентиляция қурилмалари ишга яроқли ҳолда сақланиши, даврий равишда кўрикдан ўтказилиб, тозаланиб турилиши, носозликлар аниқланганида эса, зудлик билан таъмирланиши лозим. Ташкилотларда ҳаво

харорати СанҚваМ 12.01.005 «Иш зонасидаги ҳавога умумий санитария-гигиена талаблари»га мувофиқ бўлиши керак.

10-§. Сув таъминоти ва канализация тизимига қўйиладиган талаблар

49. Сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 «Би-ноларни ички сув қувири ва канализацияси» талабига мос келиши керак.

50. Ичимлик сувидан фойдаланиш учун сув қувирига уланган фаввора-чалар бўлиши керак. Сув қувурлари йўқ бўлганда бакларда қайнатилган сув бўлиши лозим.

51. Ичимлик сувининг ҳарорати 8° С дан 20° С гача бўлиши керак.

52. Ташкилот ҳудудидаги ҳожатхоналар иссиқ сув ва канализация ти-зимига уланган бўлиши лозим.

53. Ташкилотда канализация тизими йўқ бўлганда давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда ташкилотда ер қатламини ифлослантирмаган ҳолда душхоналардан ва юз-қўл ювгичлардан сув окмай-диган қурилмали ахлат ўраларини мавжуд бўлишига рухсат этилади.

11-§. Электр қурилмаларига қўйиладиган талаблар

54. Ташкилотларда электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойда-ланишда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари (рўйхат рақами 1383, 2004 йил 9 июль) (Ўзбекистон Республи-каси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) ҳамда Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1400, 2004 йил 20 август) (Ўзбекистон Респу-бликаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 379-модда) талаблари-га риоя қилиниши керак.

55. Электр токи ўтказувчи қисмлар, тақсимловчи қурилмалар, аппарат-лар ва ўлчаш асбоблари, шунингдек турли сақловчи қурилмалар, рубилник-лар ва бошқа ишга туширувчи аппаратлар ва мосламалар фақат ёнмайдиган асослар (мармар, текстолит, гетинакс ва бошқалар)да монтаж қилиниши лозим.

56. Юқори намлик иссиқлик ажралиб чиқувчи хоналарда электр ёрит-кичлар намликдан, электр двигателлари эса суюқлик сақлашдан ҳимоялан-ган ёки ёпиқ ижрода бўлиши шарт.

57. Тақсимловчи қурилмалар изоляциясининг қаршилиги ва чидамли-лиги текшириб турилиши лозим.

58. Кўчириб юрувчи ёриткичлар шишали ҳимоя қопқоқлари ва металл тўр билан жиҳозланган бўлиши лозим. Ушбу ёриткичлар ва бошқа кўчириб юрилувчи аппаратлар учун мис толали эгилувчан кабел ва электр ўтказгич-лар қўлланилиши лозим.

59. Эвакуация йўлаклари ва зинапояларда авария ёриткичлари бўлиши лозим.

60. Авария ёритқичлари бошқа ёритқичлардан тури, ўлчамлари ва махсус туширилган белгилари билан ажралиб туриши ва вақти-вақти билан чангдан тозаланиб турилиши лозим.

61. Кабеллар ва электр ўтказгичларнинг изоляцияси, ташқи бирикмалари, химояловчи ерга улагичлар, электр двигателларнинг ишлаш режими кўриқдан ўтказилиши ва асбоблар билан ўлчаш орқали текширилиб турилиши лозим.

62. Электр қурилмалари ва агрегатларини нолга ва ерга улаш симларининг бутунлиги ташкилотнинг масъул ходими бошчилигидаги комиссия томонидан камида олти ойда бир марта текширилиши лозим. Текшириш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади.

63. Кам қувватли электр лампалари ва асбобларини каттароқ қувватлиларига алмаштириш тармоқ учун йўл қўйилувчи юкланиши ҳисобига олинган ҳолда ташкилотнинг масъул ходими рухсати билан амалга оширилиши лозим.

64. Битта электр штепселига бир нечта истеъмолчиларни улаш тақиқланади.

65. Ташкилотнинг бино ва иншоотлари яшин қайтаргичлар ўрнатилган ҳолда тўғридан-тўғри яшин уришидан химояланган бўлиши лозим. Яшин қайтаргичлар ҳар йили баҳорда текширилиб турилиши лозим.

12-§. Ёритишга қўйиладиган талаблар

66. Хоналарни табиий ва сунъий ёритиш ҚМҚ 2.01.05-98 «Табиий ва сунъий ёритиш» талабига мос бўлиши лозим.

67. Ёритиш воситалари тоза ва соз ҳолатда бўлиши керак.

68. Ёруф тушувчи ойналар ҳар йили камида икки маротаба тозаланиши лозим.

69. Ёруғлик тушадиган дераза ва эшикларни турли предметлар (ускуна, тайёр махсулот ва бошқалар) билан тўсиб қўйишга рухсат этилмайди.

70. Сунъий ёритиш умумий ва бирлашган (умумий маҳаллий билан биргаликда) тизим орқали амалга оширилади. Биргина маҳаллий ёритишни қўллаш тақиқланади.

71. Участкаларда ва хоналарда портлаш бўйича хавfli газ ва чанглар концентрацияси йиғилиб қолиши эҳтимоли бўлса, электр ёритиш тизими портлашдан алоҳида бажарилиши керак.

72. Хавfliлик даражаси юқори бўлган хоналарда кучланиши 36 V дан юқори бўлмаган кўчма электр ёритқичлар ишлатилиши керак.

13-§. Ташкилот майдонларига бўлган хавфсизлик талаблари

73. Ташкилот майдонлари ва биноларининг жойлашуви ҚМҚ II 89-80 «Саноат ташкилотларининг бош плани» талабига мос бўлиши керак.

74. Ташкилотда транспорт воситаларини ва пиёдаларни ташкилот ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

75. Транспорт воситалари ва ташкилот ҳудудида пиёдаларнинг ҳаракати чизмаси ташкилотга кириш ва чиқиш ҳамда иш участкаларининг кўринарли жойларига осиб қўйилиши керак.

76. Ташкилот майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қуйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши лозим.

77. Ташкилот майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

78. Йилнинг ёз вақтида йўлаклар ва ўтиш жойларига сув сепилган, қишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши лозим.

79. Йўловчилар учун йўлак ва ташкилотга кириш жойи текис, кенглиги камида 1,5 м ён томонларида деворча ва тўсиқлар бўлиши лозим.

80. Биноларнинг томларини қишки мавсумда қордан, карнизларни қотган музлардан тозалаб туриш зарур.

81. Ташкилот ҳудудида ҳар куни тозалаб ва дезинфекция қилиб туриладиган ахлат ташланадиган идишлар бўлиши шарт.

82. Ҳовлидаги ҳожатхоналарни озода сақлаш, мунтазам дезинфекция қилиш, сутканинг қоронғи пайтида эса ёритилиши керак.

83. Ташкилот майдони бутун чегара бўйлаб тўсилган бўлиши, унинг ҳудудига бегоналарнинг кириши чекланган ва назорат остига олинган бўлиши лозим.

14-§. Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари

84. Ташкилот бинолари ва иншоотлари ҚМҚ 2.09.04-98 «Корхоналарнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабига мос келиши керак.

85. Хоналарнинг (ҳарорати, нисбий намлиги, ҳавони ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) микроиқлими ГОСТ 12.1.005-88 талабига жавоб бериши керак.

86. Дарвоза тавақалари ёпиқ ва очик ҳолатида махсус мосламалар билан мустаҳкам ўрнатилган бўлиши керак.

87. Транспорт воситаларини бинога кириши учун дарвоза эни фойдаланилаётган транспорт воситасининг эни миқдоридан ошиқ бўлиши керак.

88. Дарвозалар баландлиги транспорт воситасининг баландлигидан камида 0,2 метрдан ошиқ бўлиши керак.

89. Ташкилотларда бинолар ва иншоотлардан фойдаланиш ҳолатини мунтазам кузатиш ташкил этилган бўлиши керак.

90. Бинолар ва иншоотлар бир йилда икки мартадан (бахор ва кузда) кам бўлмаган ҳолда ташкилот раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан техник кўриқдан ўтказилиши лозим. Техник кўриқ хулосалари уларда топилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тасдиқланадиган тадбирлар ва далолатномалар орқали расмийлаштирилиши керак.

91. Ходимлар учун хавф туғдирувчи ҳалокат тусидаги бузилишлар тез-

да бартараф этилиши керак. Хавфли ҳудудларда иш жараёнлари ҳалокат бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилиши лозим, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсиз жойга кўчирилиши керак.

92. Ташкилот ҳудудида жойлашган хўжалик бинолари беморларнинг назоратсиз кириб-чиқишини олдини оладиган кузатув ва огоҳлантирадиган ускуналар билан таъминланиши лозим.

15-§. Меҳнат ва дам олишга қўйиладиган талаблар

93. Ходимларнинг иш вақти, шу жумладан қисқартирилган иш вақти ва танаффуслар вақти ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

III. Сил касаллигига қарши муассасаларда беморларни қабул қилиш ва улар билан мулоқотда бўлишда хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

94. Ташкилотда беморларни даволаш бўлимларига жойлаштириш беморлар таркибини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

95. Ташкилотга келтирилган беморни қабул қилиб олиш навбатчи тиббий ходимлар томонидан бажарилиб, бунда албатта шифокордан ташқари ҳамшира (фельдшер) ва санитар бўлишлари шарт.

96. Беморларни қайд қилиш бўлимида ходимларни томчи инфекциядан муҳофаза қилиш учун беморлар билан гаплашишга икки қаватли ойналар ўрнатилган бўлиб, ҳужжатларни қабул қилиш учун ён томондан тирқишлар қолдирилиши лозим.

97. Ҳар бир бўлим алоҳида бемор учун аниқ белгиланган ўтириш жойи бўлган овқатланиш хонасига, бўлим ичида ўтказиладиган меҳнат билан даволаш хонасига, қариндошлари билан учрашув хонасига, ошхонадан овқат узатадиган дарчали буфет хонасига, тоза ва кирланган ич кийимлар, ўрин — бош жилдлари ҳамда устки кийим ва пойабзал учун кийимхонага, кўтариб юриладиган асбоб-ускуналар, аравачалар ва қўзғалувчи курсиларни сақлаш учун хоналарга, бўлим мудир ва катта тиббий ҳамшира кабинетларига, хўжалик ҳамшираси ва ходимлар хонасига, нейролептикларни инъекция қилиш учун муолажа хонасига, ходимлар учун кийим хонага ва ҳожатхонага эга бўлиши лозим.

98. Ички алоқа учун маҳаллий автомат телефон станцияси ёки селектор алоқаси ўрнатилиши шарт.

99. Бўлим мудирлари, шифокор хоналари ва катта тиббий ҳамшира хоналари орасида хабар етказиш (сигнализация) чироқли ва қўнғироқли бўлиши лозим.

100. Бўлимга кириш эшигида бўлим йўлагига хабар етказадиган қўнғироқ бўлиши керак.

101. Чўмилиш хонасида ходимларни шошилиш чакориш учун хабар етказиш кўнфироғи ўрнатилиши лозим.

2-§. Сил касаллигига қарши муассасаларда зарарсизлантиришда қўйиладиган талаблар

102. Сил касаллигига қарши муассасаларда ходимларнинг ва ташриф буюрувчиларнинг сил касаллиги билан касалланишларини олдини олиш ҳамда сил инфекциясини тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида қўйиладиган амал қилиниши лозим:

ходимлар ва ташриф буюрувчилар шахсий гигиена қоидаларига амал қилишлари;

ходимлар ва ташриф буюрувчилар муассасага киришда халат, қалпоқ (ёки рўмол) кийишлари, чиқаётганда ечишлари;

ходимлар ва ташриф буюрувчилар беморларнинг ётоқ жойларига ўтирмасликлари ва уларнинг идиш ва бошқа буюмларидан фойдаланмасликлари.

103. Сил касаллиги муассасалари ташриф буюрувчиларга беморларнинг кийимлари ёки буюмларини зарарсизлантирмасдан бериб юбориши қатъий ман қилинади (идишлар, рўмолчалар, кийимлар, ўйинчоқлар, китоблар ва бошқалар).

104. Ташкилотда қўйидагилар амалга оширилиши зарур:

жорий зарарсизлантириш тадбирларини ўтказиш;

туфукдонларни, идишларни, ич кийимларни, ётоқ анжомларини, рўмолчаларни ва бошқаларни зарарсизлантиришни тўғри ташкил қилиш;

хоналарни ва буюмларни тозалаш ва зарарсизлантириш тартибини тўғри ташкил қилиш.

105. Сил касаллигига қарши ташкилотлар йилига камида бир марта, шунингдек беморлар қайта жойлаштирилганда, ташкилот қўчирилганда ёки таъмирланишидан олдин якуний зарарсизлантириш тадбирларини ўтказиши керак.

106. Ташкилотда зарарсизлантириш учун дезинфекцион камералар, ётоқ анжомлари ва ички кийимларни зарарсизлантирувчи ускуна ҳамда идишлар учун махсус стерилизаторлар ва бошқалар бўлиши зарур.

3-§. Сил касаллиги ўчоғида жорий ва якуний зарарсизлантиришда хавфсизлик талаблари

107. Ташкилотда сил касаллиги ўчоғини жорий ва якуний зарарсизлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим.

108. Жорий зарарсизлантириш тадбирлари бацилла ажратувчи аниқланиши билан дархол уй шароитида доимий равишда ўтказилиши шарт.

109. Беморининг уйида жорий зарарсизлантириш тадбирлари сил касаллиги муассасалари ёки поликлиникаларнинг сил касаллиги бўлимлари, қишлоқ жойларда эса қишлоқ врачлик пунктлари томонидан ташкил қилиниши лозим.

110. Жорий зарарсизлантириш устидан умумий назорат ва амалий ёрдамни шаҳар ва туманларнинг санитария-эпидемиология назорати марказлари ҳамда дезинфекция станциялари олиб боришлари керак.

111. Жорий зарарсизлантиришнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

механик зарарсизлантириш (нам тозалаш, шамоллатиш ва бошқалар);

юқори ҳароратдан фойдаланиш (туфукдонларни, кийимларни, боғлов воситаларини, идиш ва ўйинчоқларни камерада зарарсизлантириш);

кимёвий зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланиш.

112. Сил касаллиги ўчоғида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим:

беморнинг ажратмаларини, идишларини ва овқат қолдиқларини зарарсизлантириш;

ифлосланган ички кийимларни зарарсизлантириш.

113. Сил касаллиги ўчоғида яқуний зарарсизлантириш мажбурий равишда қуйидаги ҳолларда ўтказилиши керак:

бемор касалхонага ётқизилганда ёки бир ойдан кўп муддатга жўнаб кетганда;

сил касаллигининг очиқ шакли билан касалланган бемор яшайдиган хонадонда;

беморнинг бошқа жойга яшаш учун кўчиб кетганида;

бемор вафот этганида.

114. Яқуний зарарсизлантиришни ўтказиш учун участка тиббиёт ходими дезинфекция станциясига ёки санитария-эпидемиология назорати марказига сил касаллигининг клиник шакли ҳамда зарарсизлантирилиши лозим бўлган хоналар сони ва катталиги тўғрисида маълумот бериши шарт.

115. Яқуний зарарсизлантириш дезинфекция станциялари ёки санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан ўтказилади, шунингдек улар касаллик ўчоғида зарарсизлантиришнинг сифати ва ўз вақтида ўтказилишига масъул ҳисобланадилар.

116. Яқуний зарарсизлантиришнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

жойида юқори ҳароратдан фойдаланиш (кийимлар, боғлов материаллари, идишлар, ўйинчоқларни қайнатиш, чиқиндиларни куйдириш);

камерада зарарсизлантириш (ётоқ анжомлари, беморларнинг устки ва ички кийимлари, паласлар, китоблар ва бошқалар);

кимёвий зарарсизлантириш (ич кийим, идиш, хоналар, мебеллар);

117. Яқуний зарарсизлантириш тартиби қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

яқуний зарарсизлантириш ўтказишда шифокор томонидан зарарсизлантирилувчи нарсалар ва хоналар ҳажмини ўрганиш;

зарарсизлантириш режасини тузиш.

118. Биринчи навбатда эпидемиологик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган нарсалар зарарсизлантирилиши лозим (ажратмалар, ич кийимлар, идишлар ва бошқалар).

119. Зарарсизлантириш ўтказилаётганда якка тартибдаги химоя воситаларидан фойдаланиш лозим.

4-§. Сил касаллиги ўчоғи ва бацилла ажратувчига бўлган гигиеник талаблар

120. Бацилла ажратувчига атрофдагилардан ажратилган ҳолда алоҳида хона, иложи бўлмаса хонанинг бир томони ажратиб берилиши лозим. Беморнинг ётоғи девордан нарида, бошқа ётоқлардан эса камида 1,5 м узоқликда бўлиши керак.

121. Хонада фақат бемор учун керакли бўлган буюмлар қолдирилиши лозим.

122. Беморнинг зарарсизлантирилган идишлари алоҳида жавонда ёки умумий жавоннинг алоҳида тоқчасида сақланиши лозим.

123. Беморнинг буюмлари, кийимлари ва туалет анжомлари алоҳида сақланади, устки кийим учун ҳам алоҳида жой ажратилади.

124. Беморнинг идишлари ва буюмларидан бошқаларнинг фойдаланиши тақиқланади.

125. Бацилла ажратувчининг хонаси қишда тез-тез, иссиқ даврда эса доимо шамоллатиб турилиши лозим.

126. Сил касаллиги ўчоғида парвариш қилинаётган беморларни назорат қилувчи тиббий ходимлар сил касаллиги юқишининг олдини олишда гигиеник тартиб тўғрисида тушунтиришлар олиб боришлари керак.

127. Ҳар бир бемор иккитадан маҳкам ёпиладиган чўнтак туфукдони билан таъминланиши лозим.

IV. Сил касаллигида зарарсизлантириш учун қўлланиладиган восита ва ускуналарга бўлган талаблар

128. Сил касаллигида зарарсизлантирувчи воситалар сифатида қуйидагилар ишлатилиши лозим:

хлорли оҳак — хлор ҳидли оқ кукун;

хлорамин;

гексилрезорцин;

1-хлор-бета-нафтол.

129. Сил касаллигида зарарсизлантиришда қўлланилувчи хлорли оҳакда камида 20 — 25 фоиз фаол хлор бўлиши керак.

130. Хлорли оҳак — хлор ҳидли оқ кукун маҳкам ёпиладиган идишда, қурук, салқин жойда, қоронғида, яхши шамоллатиладиган жойда сақланиши лозим.

131. Хлорли сувдан зарарсизлантириш учун 10 ва 20 фоизли концентрациялардан фойдаланишга рухсат берилади.

132. Лаборатория хоналари табиий ёритилган ва шамоллатиш ускуналари билан жиҳозланган бўлиши, шунингдек кунига икки маҳал шамоллатиб турилиши керак.

133. Барча хоналарга линолеум тўшалиши, санитария хоналарида эса метлах плиткалари ётқизилган бўлиши керак. Деворлар мойли бўёқ билан бўялиши, санитария хоналарида эса кафель ёпиштирилиши зарур.

134. Хоналар ва инвентарлар кунига камида 2 марта тозаланиши керак. Чиқиндилар қопқоқли челақларга йиғилиши ва олиб чиқилиши ҳамда махсус жойда ёқиб юборилиши лозим.

135. Тозалаш инвентарлари (челақлар, латталар, хокандозлар ва бошқалар) алоҳида ажратилган хоналарда ёки алоҳида жавонларда сақланиши керак.

136. Ифлос ич кийимлари солинган қоплар сақланадиган ички қисмига темир қопланган қутиларни қўйишга хоналар ажратилиши зарур. Бу кийимлар ювишдан олдин албатта зарарсизлантирилиши лозим.

137. Туфукдон ва балғамларни кимёвий ёки термик йўл билан зарарсизлантиришда, шунингдек суднолар ва сийдик қабул қилувчи идишларни автоматик равишда ювиш ускуналарини ўрнатиш учун алоҳида хоналар бўлиши керак.

138. Ҳар бир стационар бўлимлар иссиқ ва совуқ сув билан таъминланган, идиш ювиш учун алоҳида, қўл ювиш учун алоҳида сув жумраклари ўрнатилган бўлиши керак.

139. Ошхонада ифлос идишлар ва тоза идишлар учун алоҳида столлар ажратилган бўлиши керак.

140. Беморлардан қайтган идишлар овқат қолдиқларидан тозалангандан кейин термик ёки кимёвий йўл билан зарарсизлантирилиб ювилиши лозим. Овқат қолдиқлари албатта зарарсизлантирилиши керак.

141. Рентген кабинетида ускунанинг экрани орқасига целлулоид плёнкаси ўрнатилади, уни кабинетнинг иш вақти тугаганидан кейин ҳар куни 0,25 фоизли фаол хлорамин эритмаси билан ювилиши ёки куйдирилиши лозим.

142. Лабораторияларда иш тугагандан кейин барча ишлатилган материаллар махсус идишларга солиниб зарарсизлантирилиши керак.

V. Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

143. Мазкур Қоидаларга амал қилиш учун жавобгарлик тегишли ишларни бажарувчи ташкилотлар зиммасига юклатилади.

144. Мансабдор шахслар ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилмаганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

VI. Яқуний қоида

145. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшма-

лари Федерацияси Кенгаши, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХЎЖАЕВ

2011 йил 15 август

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2011 йил 15 август

*Ўзбекистон Касаба уюмлари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НОРБОЕВА

2011 йил 15 август

*«Ўздавэнергоназорат»
инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2011 йил 15 август

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги директори*

А. АБДУВАЛИЕВ

2011 йил 15 август

*«Саноатгеоконтехназорат» давлат
инспекцияси бошлиғи*

Б. ГУЛЯМОВ

2011 йил 15 август

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2011 йил 15 август